Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 28 сентябр пайшанба

Сотувда эркин нархда
№ 193 (2490)

# БИЗ БИР ҚУШНИНГ ИККИ ҚАНОТИМИЗ

## Хабар қилинганидек, 26-27 сентябр кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Қирғизистон Республикасида бўлди



***Бишкек сафарининг айни шу кунларда амалга оширилишида катта рамзий маъно бор. Ўтган йилги Боткен воқеалари, бу йил Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг жанубий ҳудудларига террорчилар бостириб киргани ўзаро муносабатларда жиддий бурилиш ясади. Бу бурилиш расмий тарзда ўзининг ҳуқуқий асосига ҳам эга бўлиши, қолаверса, кейинги ўзгаришлардан чиқарилган хулосалар умумлаштирилиб, йиғилиб қолган масалаларни баҳамжиҳат ҳал қилиб олиш зарур эди. Бишкекдаги музокараларда томонларнинг диққат-марказида турган энг асосий масалани учрашув якунида қабул қилинган ҳужжатдан билиш мумкин. Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.***

Аҳамияти жиҳатидан Абадий дўстлик ҳақидаги ҳужжат билан ёнма-ён турадиган бу шартноманинг тузилиш сабаблари ва тарихи сир эмас. Ўз даврида, Боткен воқеаси мамлакатларимиз ҳарбийларининг елкама-елка ишлашга тайёр эмаслигини кўрсатди. Бундан яхши сабоқ олинди. Натижада террорчиларнинг бу йилги хуружи ортиқча қийинчиликларсиз бостирилди, зарур тайёргарлик кўрилди, икки мамлакат ҳарбийлари ўзаро мувофиқлаштирилган тарзда иш тутди. Шундай қилиб, террорчиларнинг икки бор қилган хуружи Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида ҳарбий соҳада яқин ҳамкорликни юзага келтирди. Энди уни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқий асосга қўйиш зарурати туғилган эди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани Марказий Осиёнинг тўрт давлати — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентларининг шу йил Тошкентда бўлган учрашуви якунида қабул қилинган ҳужжатнинг мантиқий давоми, деб ҳам айтиш мумкин. Ўшанда террорчилик, экстремизм ва минтақа барқарорлигига таҳдид солаётган бошқа хавф-хатарга қарши биргаликда чора-тадбирлар кўришга келишиб олинган эди.

Умуман олганда, ҳозир Марказий Осиёда ҳукм сураётган вазиятдан келиб чиқиб, минтақанинг барча мамлакатлари икки томонлама асосда ўзаро шундай ҳужжат қабул қилиши мақсадга мувофиқдир. Бу сиёсий фойдадан ташқари, кўпгина ноўрин гап-сўзлар, турли англашилмовчиликлар келиб чиқишининг ҳам олдини олади. Минтақанинг бир мамлакатига таҳдид бутун минтақага таҳдиддир. Бошга ташвиш тушганда, биргалашиб унинг чорасини кўриш ўрнига, бир-бирини айблаш, турли уйдирмалар билан шуғулланиш айни ўша, бизга ёмон кўз билан қараётганларга қўл келади. Масалан, Афғонистонда "Толибон" ҳаракати муваффақиятга эришаётгани хориждаги айрим оммавий ахборот воситалари учун пашшадан фил ясаб, шов-шув қилиш учун озуқа бўлди. Бу минтақа мамлакатлари халқларини саросимага солиш, хориждаги одамларда эса бу ерда кечаётган воқеалар ҳақида нотўғри тасаввур ҳосил қилишга уринишдан ўзга нарса эмас. Таҳликали хабарлар маҳаллий аҳоли ўртасида ваҳима уйғотса, буни бостириш осон. Лекин минтақамизга сармоя киритишни ўйлаб юрган хориждаги ишбилармонларнинг тасаввури ўзгарса, улар ўз ниятидан воз кечиши тайин. Ислом Каримов уйдирмалардан асосий мақсад ана шу сармоядорларни Марказий Осиёдан юз ўгиришга мажбур этишдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлади.

Айрим оммавий ахборот воситаларида, "Толибон" ҳаракатининг жанговар ютуқлари ҳақида гап кетганда, толиблар Афғонистонни бутунлай ишғол қилиб, у ерда ўзининг ягона ҳокимиятини ўрнатади, кейин, эҳтимол, Марказий Осиё давлатларида шариат аҳкомларини қарор топтириш учун янги юришларни бошлайди, деган мазмундаги фикрлар учраб қолади. Афсуски, "Толибон" Шимолий иттифоқ устидан мутлақ ғалаба қозонган тақдирда ҳам Афғонистонда бирданига тинчлик қарор топиб қолмайди. Толибларнинг янги рақиби пайдо бўлиши ё улар ўзлари низога киришиши эҳтимоли йўқ эмас. Воқеалар бундай тарзда ривожланмаган тақдирда ҳам Марказий Осиёга хуруж қилишнинг имкони бўлмайди. Чунки мамлакатни тиклаш, давлатни мустаҳкамлаш керак бўлади. Бу эса бирон ўн йилсиз, қолаверса, ташқи ёрдамсиз, айниқса, Марказий Осиё мамлакатларининг кўмагисиз битмайдиган иш.

Минтақа давлатларининг икки томонлама асосда ҳарбий ҳамкорлик бўйича келишувга эришиши яна шунинг учун ҳам муҳимки, сўнгги йиллардаги кузатишлар турли минтақавий тузилмаларнинг самарали фаолият кўрсатмаётганини намоён этди. Дейлик, МДҲ доирасида қабул қилинган коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома шу вақтгача кўзга кўринарли иш бергани йўқ. Ўзбекистон шунинг учун ҳам ундан чиқди. Кейин эса Россия билан икки томонлама асосда Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик борасида шартнома қабул қилинди. Бугун навбат Қирғизистонга келди. Хулоса шуки, аслида кўп томонлама асосда ялпи келишувга эришиш ва ундан самара кутиш учун аввал икки томонлама келишиб олиш керак. Чунки икки мамлакат ўртасидаги ҳужжат ҳар томонлама ўйланган, икки томоннинг ҳам манфаатлари инобатга олинган ҳолда тузилади. Кейин бирор шарт бажарилмаганда, бемалол даъво қилиш мумкин бўлади. Авваламбор, шартлар бажарилмай қолмайди, чунки ҳужжат қабул қилингунга қадар барча имкониятлар ўрганиб чиқилади ва имконият даражасидаги вазифаларгина зиммага олинади.

Энди бевосита Афғонистондаги воқеаларга келсак. Мазкур шартноманинг имзоланишига бевосита афғон можароси сабабчи, десак хато бўлмайди. Террор ва наркобизнес марказига айланиб қолган бу мамлакатда тинчлик ўрнатилмас экан, биринчи навбатда Марказий Осиё мамлакатлари хавфсизлик ташвишини чекаверади. Бу можаро тугамагунча минтақада ҳаловат бўлмайди. Афсуски, террорчилар шу ердан чиқаётгани, дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган наркотик моддаларнинг 70 фоизи Афғонистон ҳиссасига тўғри келишини била туриб, халқаро ҳамжамият бу бемаъни урушни тўхтатишга етарли эътибор қаратмаяпти. Президент Ислом Каримов БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар, БМТнинг Хавфсизлик кенгашига доимий аъзо бўлган қудратли давлатлар Афғонистондаги вазият нечоғли кескинлигини, у олиб келиши мумкин бўлган оқибатлар қанчалик мудҳишлигини теран англамаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Марказий Осиёга таҳдидни жанубдан секин ўрмалаб келаётган террорчилик ва экстремизмда кўришини ҳамиша таъкидлаб келади. Бишкек учрашувида давлат раҳбарлари яна бир карра жаҳон ҳамжамиятини бу таҳдиддан огоҳ этганда, уни зангга қиёс қилдилар. Темир занглагани кўзга кўринади, аммо унга ортиқча эътибор берилмайди. Куни келиб эса занг бутун темирни keraksiz майда зарраларнинг бир сиқимига айлантиради.

Ана шу занг Афғонистондан келаётгани ва унинг оқибати аён бўлгани ҳолда, муаммо эътибордан четда қолаётгани ачинарли. Афсуски, бу урушнинг давом этишига фақат Афғонистондаги воқеаларга, унинг ички ишларига четдан аралашишлар сабаб бўлаётгани йўқ. Афғонистон катта сиёсий ўйиннинг қурбони бўлибгина қолмай, бангилар ва бангифурушлар мамлакатига айланиб қолган. Таъкидланганидек, дунёда етиштирилаётган "оқ оғу"нинг 70 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. Қурол-яроғ ана шу оғу савдоси ортидан келган маблағ эвазига қўлга киритилади. Бинобарин, уруш давом этаверади. Бу ерда бир қарашда сезилмайдиган, ўта усталик билан ишланган ниқобни кўриш мумкин. Наркомафия ҳам, террор ҳам гўё сиёсий мақсадларга эга, бу мақсад гўё диний ақидаларга таянади. Аслида террорни мафия, террор эса мафияни ниқоб қиляпти. Очиқроқ айтсак, уларнинг илдизи бир. Марказий Осиёга хуруж қилган террорчиларнинг асосий мақсадларидан бири етиштирилган тонналаб наркотикни "жаҳон бозори"га олиб чиқиш учун йўллар очиш эди. Мантиқан олиб қараганда, минтақамиз Европага элтувчи энг яқин, қулай ва арзон йўл ҳисобланади.

Бишкекдаги учрашувларда таъкидландики, террорчиларнинг хуружи бостирилганидан хотиржамликка берилиш мумкин эмас. Зеро, юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, уларнинг ортида турган раҳнамолар ҳали ўз ниятидан воз кечгани йўқ. Тонналаб наркотик моддаларни хориждаги "эгалари"га етказиб бериш керак. Хуружларнинг сурункали тус олганига сабаб шу. Эндиги вазифа мудофаа қудратини ошириш, террорчилар кириб келиши мумкин бўлган йўлларни ёпиш, мувофиқлаштирилган тарзда иш юритиш, қўшма чораларни янада такомиллаштириш, махсус ҳарбий гуруҳлар ташкил этишдан иборат.

Қирғизистонда президентлар имзо чеккан иккинчи ҳужжат ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган Қўшма баёнот бўлди. Музокараларда таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги муносабатларда масалаларга амалий ёндашиш устуворлик касб этмоқда. Ҳозир қандай масалалар ечимини кутяпти? Аввало, бир-бирини тўлдирувчи соҳалар бўйича алоқаларни тартибга солиш керак. Масалан, Ўзбекистондан Қирғизистонга газ узатиш ё Қирғизистоннинг сув-энергетика заҳираларидан унумли фойдаланиш масаласини олайлик. Ўзбекистон электр қуввати ишлаб чиқариш учун газ ёқади. Газ эса қайта тикланмайдиган табиий модда. Иккинчидан, газ — валюта. Қирғизистонда эса электр қуввати ишлаб чиқариш имконияти катта. Лекин электр қувватини бирор омборда сақлаб бўлмайди, ўзидан ортганини фақат сотиш керак. Харидор бўлмагани сабабли корхоналар тўла қувват билан ишламаяпти. Шуни ҳисобга олиб, музокараларда газ ва электр қувватининг олди-бердиси тартибини қайта кўриб чиқишга келишиб олинди.

Транспорт коммуникацияси соҳасида ҳам ечимини кутаётган масалалар бор. Тошкент-Андижон-Ўш-Иркиштом-Қашқар йўналиши бўйича автомобил ва темир йўл транспорти қатновини йўлга қўйиш ва шу орқали Европа билан Осиёни боғлайдиган улкан Париж-Пекин магистралини тугатиш икки мамлакатга ҳам катта фойда келтиради. 2-3 йил бурун Ўзбекистон ҳукуматининг кўмаги билан бу магистралнинг Қирғизистондан Хитойгача бўлган қисмида қурилиш ва тиклаш ишлари бошланган эди. Лекин тоғли ҳудудларга террорчилар бостириб киргани, бу хуружнинг оқибатлари туфайли сўнгги вақтларда ишлар сусайиб қолди. Бишкекдаги музокараларда томонлар икки қитъани боғловчи бу магистралнинг аҳамияти юқори эканлигини таъкидлаб, мўлжалдаги ишларни ниҳоясига етказиш борасида ўзаро келишиб олди. Шунингдек, Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг Жалолобод-Ўш йўналиши бўйича поезд қатновини ташкил қилиш борасидаги таклифи маъқулланди.

Икки мамлакат делегацияларининг музокаралари якунида Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида Консуллик конвенцияси, адлия вазирликлари ҳамда божхона хизматларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги битимлар ҳам имзоланди. Бу ҳужжатлар ҳам бугунги куннинг талабидан келиб чиққан ҳолда тузилган. Масалан, визали тартиб ўрнатилгандан кейин, албатта, икки мамлакат ўртасида консуллик конвенцияси имзоланиши, фуқаролар борди-келдисининг ҳуқуқий асоси яратилиши керак. Божхона соҳасига тегишли ҳужжат эса ўзаро савдо-сотиққа ҳалал бераётган турли бож тўловларини, чегарадан маҳсулот олиб ўтиш тартибини енгиллатишга, бошқа муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Президент Ислом Каримовнинг Бишкек сафари ғоят сермазмун, икки мамлакат учун фойдали натижалар билан якунланди, десак муболаға бўлмайди. Давлатимиз раҳбари Бишкекка жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида интервью бераётиб, ўзбек ва қирғиз халқларининг азалий дўстлиги ҳақида сўзлаган эди. Бишкек сафари бу азалий дўстлик нечоғли мустаҳкам эканини кўрсатди. Биз бир-биримизга кераклигимизни, ҳар қандай шароитда елкадош бўлишимиз зарурлигини унутмаймиз. Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бир-биримиз учун хавфсизликнинг қўшимча кафолати бўлади. Қўшни, хавф келганда, қўшнисини ёлғизлатиб қўймаслиги расмий ҳужжатда ўз аксини топди. Бошқа ҳужжатлар ҳам азалий қардошлик ва биродарлик руҳидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Қирғизистон пойтахтининг кўчаларида Ислом Каримовнинг "Ўзбек ва қирғиз халқларининг тарихи чамбарчас боғлиқдир", "Ўзбек ва қирғиз халқлари бир қушнинг икки қанотидир" деган иборалари ёзилган шиорларни кўп учратиш мумкин. Ташриф натижалари бу иборалар бежиз айтилмаганидан дарак беради.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Бишкек-Тошкент.**

**СУРАТДА: ташриф пайти.**
**Дилшод ЮСУПОВ олган сурат.**

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***27 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида АҚШ Қуролли кучлари марказий қўмондонлиги Бош қўмондони Томми Франксни қабул қилди.***

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик тобора ривож топмоқда. Жумладан, НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида мамлакатларимиз қуролли кучлари иштирокида бир неча бор қўшма машқлар ўтказилди.

Ислом Каримов меҳмонни Ўзбекистонга ташрифи билан қутлар экан, икки давлат ўртасидаги ҳарбий ҳамкорлик алоқаларининг муҳим томонларини муҳокама қилиш имконияти вужудга келганидан мамнунлигини билдирди.

Учрашувда мамлакатларимиз қуролли кучлари ўртасидаги алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, шунингдек, минтақадаги вазиятга оид масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**

# БЮДЖЕТ БАЛАНСИ – ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИ

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов раислигида 2001 йилги Давлат бюджети кўрсаткичлари лойиҳасини муҳокама этишга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди.***

Мажлисда сўзга чиққанлар Давлат бюджети лойиҳаси ва макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг XIV сессиясида белгилаб берилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга доир стратегик вазифаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлигини қайд этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари Ж.Қўчқоров 2001 йилги Давлат бюджети кўрсаткичлари лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Мажлисда Давлат бюджети кўрсаткичлари прогнозининг киритилган лойиҳасида назарда тутилган макроиқтисодий сиёсатнинг асосий устувор йўналишлари мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини ошириш учун зарур бўлган иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, инфляция даражасини ва давлат бюджети тақчиллигини пасайтириш, иқтисодий ўсишни, аҳолини иш билан таъминлашни, даромадларни, ишлаб чиқаришни техника билан қайта жиҳозлаш мақсадида фаол инвестиция сиёсати ўтказиш, товар ишлаб чиқарувчиларнинг тадбиркорлик фаоллигини ошириш мақсадида уларга умумий солиқ юкламасини пасайтириш, эгри солиқларни ва ресурс тўловларини кўпайтирган ҳолда тўғри солиқлар улушини пасайтиришдан иборат эканлиги таъкидланди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини, Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурини амалга ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими билан боғлиқ харажатларни маблағ билан устувор таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳам бюджетда асосий ўрин тутади. Шунингдек, келаси йилги бюджетдаги мамлакатнинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, давлат бошқаруви органларига сарфланадиган харажатлар самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Келгуси йилда нефт-газ, кимё, машинасозлик, енгил саноат, агросаноат комплекси маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш-монтаж ишлари ҳажмларини кўпайтириш ҳисобига иқтисодий ўсиш таъминланиши қайд этилди.

Муҳокама қилинган масала бўйича Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси раҳбарлари сўзга чиқиб, давлат бюджети кўрсаткичлари бажарилишини таъминлашда ва тўлов интизоми мустаҳкамланишида ушбу органларнинг вазифаларига эътиборни қаратдилар.

Муҳокама якунлари бўйича 2001 йилги Давлат бюджети кўрсаткичлари лойиҳаси ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини кўриб чиқиш учун Олий Мажлисга киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**(ЎзА)**

# ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕС СЕССИЯСИ

***Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис учинчи сессиясида қилган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Жўқорғи Кенгес раиси Т. Камолов шу ҳақда маъруза қилди.***

Сессияда Қорақалпоғистон Республикасида юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, фуқароларнинг эмин-эркин яшаб меҳнат қилиши учун барча шароитларни яратиш, жиноятчилик ва наркобизнеснинг ҳар қандай кўринишига қарши кескин курашда муайян ютуқларга эришилаётгани таъкидланди. Бу борада маҳалла фаоллари, жамоатчи посбонлар, чегара ва божхона ходимлари айниқса жонбозлик кўрсатмоқда. Шу билан бирга, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан кенг жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни янада жонлантириш, ёшлар тарбиясини кучайтириш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга кенгроқ жалб этиш, улар учун жойларда маданий ва спорт иншоотларини кўпайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Шунингдек, сессияда минтақада сув танқислиги юз берган жорий йилда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Оролбўйи ҳудудида мазкур табиий офат оқибатлари тезда бартараф этилгани ва аҳолига ўз вақтида амалий ёрдам кўрсатилгани миннатдорлик билан айтиб ўтилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б.Бугров қатнашди.

**А. ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ҲАР КУН ҒАНИМАТ

Сурхондарё вилоятида бу йилги қурғоқчилик шароитида пахта ва бошқа экинлардан мўлжалдаги ҳосил етиштирилди. Айрим туманларда, жумладан, Қумқўрғон, Термиз, Ангор, Музработда давлат шартнома режасини ортиғи билан бажариш имконияти мавжуд. Эндиги асосий вазифа деҳқонларнинг пешона тери эвазига етиштирилган бу ҳосилни нест-нобуд қилмай уюшқоқлик билан йиғиштириб олишдан иборат.

Вилоят ҳокимлигида пахта йиғим-теримини жадаллаштиришга бағишланган йиғилишда ана шу ҳақда гап борди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Йиғилишда асосий эътибор машина теримини ташкил этишга қаратилди. Бунинг учун кўсак очилишини кутиб ўтирмай, зудлик билан ғўза баргини тўктириш ишларини авж олдириш зарурлиги қайд этилди. Ишчи кучи кам жойларда пахта териш машиналаридан марказлаштирилган ҳолда фойдаланишни йўлга қўйиш яхши самара бериши таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда ғаллачилик масалалари ҳам муҳокама этилди. Вилоятда келгуси йил ғалла ҳосили учун 96 минг гектар суғориладиган майдон ажратилади. Ғалла экиладиган ерларни сифатли тайёрлаш, сув йўллари ва манбаларини тартибга келтириш, кузги дон уруғини сепишдан олдин етарли миқдорда маҳаллий ва минерал ўғит тўплаш ва ерга солиш, кузнинг сўнгги ойи бошлангунга қадар уруғни ундириб олиш зарур.

Вилоятда сув ресурсларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, сув чиқариб берадиган катта қувватли насослар ўрнатиш, артизан қудуқлари қазиш, коллектор-дренажларни тозалаш ишларини авж олдириш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан бири эканига эътибор қаратилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Б.Олимжонов сўзга чиқди.

**Чори ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

